

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАРДАНОВ ЗИЁДУЛЛО АБДУЛЛАЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ  
ТАЙЁРЛАШДА МОДУЛЬ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Марданов Зиёдулло Абдуллаевич**

Бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модуль  
технологияларини такомиллаштириш..... 3

**Марданов Зиёдулло Абдуллаевич**

Совершенствование модульных технологий в профессиональной  
подготовке будущих учителей биологии..... 25

**Mardanov Ziyodullo Abdullayevich**

The improvement of module technologies in the professional training of  
future teachers of biology..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАРДАНОВ ЗИЁДУЛЛО АБДУЛЛАЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ  
ТАЙЁРЛАШДА МОДУЛЬ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped764 рақам билан рўйхатга олинган.**

**Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.cdpi.uz](http://www.cdpi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Аннамуратова Светлана Каримовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Ходжаев Бегзод Худайбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Эшчанов Рузимбой Абдуллаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111700, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 104 уй. Тел.: (99870) 712-45-41; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi-kengash@umail.uz](mailto:chdpi-kengash@umail.uz).)

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 104 уй. Тел.: (99870) 712-45-41; факс: (99870) 712-45-41.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Қ. Мардонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.Т. Ражабов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, ф.ф.д., (PhD)

**Р.А. Эшчанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда ривожланган мамлакатлар глобаллашув шароитида биология таълими соҳасини модернизация қилиш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини таркиб топтиришнинг модуль технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Австрия, Бельгия, Дания, Финляндия, Германия, Швеция, Франция, Португалия, Испания ва Швейцария каби ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда юксак касбий компетентликни ривожлантиришга асосланиши муҳим вазифа сифатида белгиланган. Болонья жараёни доирасида ўқитишнинг фаол ва интерфаол шакллари вариативлигини таъминлашда, компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш муаммоси тадқиқ этилган.

Дунёда бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни таркиб топтиришнинг модуль технологияларини жорий қилиш, уларнинг дастурий таъминотини таъминлаш, касбий компетенциясини ўзлаштиришда қадриятлар тизимидан фойдаланиш, касбий компетентликни ривожлантиришнинг психологик-педагогик механизмлари, жумладан, модуль технологияларининг дидактик тизимини такомиллаштириш долзарблик касб этган. Таълимнинг янги парадигмаларига ўтиш бўлажак ўқитувчиларнинг нафақат ўзини ўзи натижавий ижодий ривожлантиришга инновацион ёндашувларни, балки ушбу жараённи таъминлашга имкон берувчи методик таъминотни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш мазмуни ва ўқитиш технологияси, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар таълимни инсонпарварлаштириш, бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик ёндашувлардан фойдаланиш имкониятини оширади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бўлажак биология ўқитувчиларида касбий педагогик компетенциясини ривожлантиришнинг модуль технологияларини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятнинг репродуктив, продуктив, қисман изланувчи ва креатив даражаларини пухта эгаллашлари учун педагогик шарт-шароитлар ва дидактик имкониятларни таъминлаш долзарблик касб этган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-Тошкент, 2017. –Б.39.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 22 декабрь ва 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Модулли таълим асосларини хорижий олимлар Б.Ф. Скинер, Б. ва М. Гольдшмид, К. Курх, Г. Оуенсларнинг тадқиқотларида кўрамит.

Педагогик технологияларнинг мазмуни, хусусиятлари ўзбек олимлари Н.Н. Азизхўжаева, Б.Л. Фарберман, Р.Х. Джураев, А.А. Абдуқодиров, Л.В. Голиш, М.Г. Воинова, Ў.Қ. Толиповлар томонидан кўрсатиб берилган.

Биология ўқитувчиларини тайёрлашнинг методологик аспектлари З.И. Тюмасова, ўқув жараёнини режалаштириш В.И. Сивоглазов, А.Н. Мягковалар, дифференциал ёндашув кўникмаларини шакллантириш Л.П. Лисовская, биология ва экологиянинг ўзаро алоқалари ўзбек олимлари А.С. Меджидова, Н.Г. Нишанбаева, Н.Х. Хакимов, Ф.Т. Раббимовалар томонидан ўрганилган.

Модуль таълимининг асослари, мазмуни ва методологиясини П.М. Эрдинев, М.А. Чошанов, Б.Д. Комиссаров, М.Д. Миронова, П.И. Третьяков, И.В. Сенновский, Н.В. Блохин, Г.В. Букалова, Ф.К. Усманова, А.А. Муравьева, Ю.Н. Кузнецовалар тадқиқ қилишган.

Модуль технологияларининг педагогик асослари, модуль дастурларини ишлаб чиқиш принциплари билан Н.Б. Лаврентьева, П.Ф. Кубрушко, Д.Е. Назаров, В.М. Гареев, Е.М. Дурколар шуғулланишган.

Умумтаълим мактабларига модулли таълим технологияларини жорий қилиш масалалари Т.И. Шамова, Г.В. Крылова, В.Г. Гульчевская, А.А. Турдикулов, Ш. Авазов, И.М. Дрокина, Т.Г. Синичникова, Ю.В. Брыкин, Е.В. Данькова, Н.В. Балавина, М.Г. Тересявичене, Е.Н. Таран, С.Е. Коришевларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг модулли технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

касбий тайёрлашнинг модулли технологиялари асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетентлиги мазмуни ва креатив тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ҳамда дидактик имкониятларини аниқлаш;

бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетенциясининг шаклланганлик даражалари самарадорлигини аниқлаш имконини берувчи инструментарий ишлаб чиқиш;

бўлажак ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг модулли технологияларини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

компетентли ёндашув асосида бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг модуль технологияларини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах, Қўқон, Навоий давлат педагогика институтларида бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг модуль технологияларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида 319 нафар талаба, 17 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модуль технологияларини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, педагогик мониторинг, моделлаштириш, тажриба-сўров, математик-статистика каби тадқиқот ва таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак биология ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантириш ҳамда мазмунини бойитиш, компетентли ёндашув асосида бўлажак биология ўқитувчиларида касбий компетентликни такомиллаштиришнинг мазмун-моҳияти, педагогик шарт-шароитлари ва дидактик имкониятлари аниқлаштирилган;

талабаларда касбий компетентликни такомиллаштириш бўйича ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрлари касбий компетентлик тавсифидаги топшириқларни, касбий компетентликка доир материаллар билан ишлашнинг интерфаол усулларини лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

касбий компетентликни такомиллаштириш моделини жорий этишнинг илмий-методик таъминоти ўқув машғулотларининг алгоритмик хариталари, интерфаол ўқув жараёнини таъминловчи методик тизим, умумкасбий характердаги интеллектуал топшириқлар, педагогик дастурий воситалар, тизимлаштирилган маълумотлар базаси орқали такомиллаштирилган;

ўқитишнинг замонавий модуль технологиялари, ижодий топшириқларни бажариш методлари (вариантларни танлаш, ихтирочилик, масалаларни ечиш алгоритми, моделлаштириш), бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш даражалари (репродуктив, продуктив, қисман-изланишли, креатив)ни ташхислаш компонентлари (таҳлил, лойиҳалаш, анкета, башоратлаш), функцияларини интегратив мувофиқлаштириш орқали таълим сифат ва самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларида “Ботаника” фанини лойиҳалаб ўқитиш жараёнида назарий ва амалий машғулотлар лойиҳаларини амалиётга жорий этиш методикаси ҳамда бўлажак биология ўқитувчиларининг билиш фаолиятларини фаоллаштирган ва фанни ўзлаштириш сифат ва самарадорлигини ошириш имконини берадиган лойиҳалаб ўқитиш модели такомиллаштирилган;

бўлажак биология ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологиялари воситасида касбий тайёрлаш жараёнининг педагогик мониторинг тизими самарадорлигини оширишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** компетентли ёндашув, касбий-педагогик тайёрлаш мазмуни, усул, шакл ва воситалари, уни баҳолаш мезонлари, даражалари ҳамда назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, тизимли дидактик таъминоти, натижаларнинг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий моҳияти компетентли ёндашув асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели, алгоритмик харитаси ҳамда уларни жорий этиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, методик ёндашувлар билан бойитилганлиги, баҳолаш технологияси, мезонларнинг такомиллаштирилганлиги, тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий ёндашувларнинг илгари сурилганлиги, олий таълим муассасаларида компетентли ёндашув асосида таълим сифат ва самарадорлигини таъминлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш бўйича услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар педагогика олий таълим муассасаларида биология ўқитиш методикаси назарияси ва амалиёти, умумий педагогика, педагогик технология, педагогик маҳорат, экология, эстетика фанлари мазмунини такомиллаштириш, ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминот педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак биология ўқитувчиларини модулли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

бўлажак биология ўқитувчиларида касбий маданиятни шакллантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантириш ҳамда мазмунини бойитиш, компетентли ёндашув асосда бўлажак биология ўқитувчиларида касбий компетентликни такомиллаштиришнинг мазмун-моҳияти, педагогик шарт-шароитлари ва дидактик имкониятлари аниқлашга доир таклиф ва тавсиялар “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 89-03-1703-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак биология ўқитувчилари касбий тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари касбий компетенциялар тизими асосида такомиллаштирилган;

талабаларда касбий компетентликни такомиллаштириш бўйича ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрлари касбий компетентлик тавсифидаги топшириқларни лойиҳалаш, касбий компетентликка доир материаллар билан ишлашда интерфаол усулларини такомиллаштиришга оид таклифлардан ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 89-03-1703-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак биология ўқитувчиларида касбий компетентликни юксалтиришнинг технологик мазмуни ва ташкилий-методик асослари такомиллаштирилган;

касбий компетентликни такомиллаштириш моделини жорий этишнинг илмий-методик таъминоти ўқув машғулотларининг алгоритмик хариталари, интерфаол ўқув жараёнини таъминловчи методик тизим, педагогик дастурий воситалар, тизимлаштирилган маълумотлар базаси, умумкасбий тавсифдаги интеллектуал топшириқлар асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилган ҳамда олий таълим муассасаларининг биология таълим йўналишидаги илмий методик таъминот мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 89-03-1703-сон маълумотномаси). Натижада ушбу

таклифлар таълим моделининг илмий-методик таъминоти сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўқитишнинг замонавий модуль технологиялари, ижодий топшириқларни бажариш методлари, бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш даражаларини ташхислаш компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш орқали таълим сифат ва самарадорлигини оширишга доир тавсиялардан бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 майдаги 89-03-1703-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак биология ўқитувчисини мустақил ва креатив фаолиятга йўналтириш, ўз-ўзининг касбий компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шу жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 148 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши ёритилган, назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модулли ўқитишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида биология таълимининг методологик ва ижтимоий-педагогик асослари талқин қилинган бўлиб, унда модуль тушунчаси ва принциплари тавсифланади ҳамда модулли таълимнинг педагогик технологиялар тизимидаги хусусиятлари ва имкониятлари очиб берилган.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёнларига ўқитишнинг илғор шакллари киритиш, талабаларни

Ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишнинг модуль тизимини киритиш лозимлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим жараёни, ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар, ўқитиш методларини янада такомиллаштириш орқали таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янгилаш, ўқитишнинг замонавий шакллари таълим жараёнига киритиш орқали педагогик кадрлар касбий маҳоратини юқори даражага кўтаришга қаратилган.

**Модуль** – лотинча сўз бўлиб, «modulies» – «ўлчов», «метод» маъноларини англатади. “Модуль” атамаси педагогикага информатика фанидан кириб келган бўлиб, у турли ахборот тизимларида фойдаланиладиган конструкция маъносини беради ҳамда уларнинг эгилувчанлигини кўрсатади.

“**Модуль**” сўзи (лотинчадан Modulus – ўлчов; меъёр) уч маънода ишлатилади:

а) аниқ фанларда маълум катталиққа ёки қандайдир муҳим коэффициентга бериладиган ном;

б) математикада логарифмлар тизимида ишлатилади, яъни бир тизимдаги логарифмларнинг доимий кўпайтирувчиси;

в) ўлчов бирлиги, масалан, меъморчиликда – қурилишнинг бир қисми бўлиб, у бинолар ва улар қисмларининг ўлчов бирлиги.<sup>2</sup>

Модуль технологиялари муаммоларининг ишлаб чиқувчилари томонидан таъкидланишича, модуль тушунчаси аниқ фанлар ва техникада: бу – функционал ва яхлит тизим бўлиб, маълум рамкаларда чегараланган ва у қандайдир конкрет функцияни бошидан охиригача бажарилишини таъминлайди.

Модулли ўқитиш ғояларини илк бор Б.Ф. Скиннер ишларида кўришимиз мумкин ва бу ғоя хорижий олимлар Дж. Расселл, Б. ва М. Гольдшмид, К. Курх, Г. Оуенс, С.Н. Послетуэйт томонидан назарий асосланган ва ривожлантирилган.

Бу олимлар таълим мазмуни концепциясини ишлаб чиқишган бўлиб, унинг моҳияти шундаки, ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган материални автоном (мустақил) мавзу сифатида олиш ҳамда ўқув курсини шундай мустақил мавзулардан шакллантириш керак. Илгарилари бундай бирликлар “**микрокурслар**” деб аталган, сўнгра “**миникурслар**” деб аташган. Ҳозирда бу умумлашган ҳолда “**модуль**” деб юритилмоқда.

XX асрнинг 60-йилларида модулли ўқитиш, аввало, АҚШ, Буюк Британия ва Канадада кенг ёйила бошлади. ЮНЕСКОнинг 1972 йилда Токиода ўтказилган халқаро конференциясида модуль тизими узлуксиз таълим тизимининг (катталар таълими) энг самарали тармоғи сифатида тавсия қилинган эди. Кейинчалик бу нафақат катталар таълимида, балки

---

<sup>2</sup>Словарь иностранных слов.-Москва: ИЛ, 1986. –Б. 318-319.

Ўқувчилар ва ёшлар таълимида ҳам бу тизим кенг тарқалди. Ўқув фанларини модулли ёндашув асосида ташкиллаштириш ўзининг яхши томонларини кўрсатди ва бугунги кунда у кўпгина Европа давлатларида, жумладан, Франция, Буюк Британия, Дания, Швеция ва бошқа давлатлар таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашда фаол қўлланилиб келинмоқда.

Модулли технологияларнинг кенг ёйилишига 1974 йилда Парижда ЮНЕСКО томонидан ташкил қилинган конференция сабабчи бўлди, у “таълимнинг очиқ ва эгилувчан тузилмалари ҳамда касбий таълимнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариш ва фан ютуқлари ва маҳаллий шароитларга мослашувчанлигини таъминлаш”ни тавсия қилди.<sup>3</sup> Бу каби талабларга модулли ўқитиш тўлиқ жавоб беради, у таълим мазмунини блоклар асосида ташкил этиш, таълим тур ва шакллари интеграциялаш, ўқувчилар аудиторияси учун улардан мосини танлаш, уларга тақдим этилган индивидуал ўқув дастуридан ўзига маъқул вақтда мустақил ишлаш эркинлиги берилиши билан ажралиб туради.

Модулли ўқитиш назариясида марказий тушунча бу - модуль тушунчаси. Модулли ўқитишнинг мазмун анча вақтдан буён фанда тушунилиб ва қўлланилиб келаётганлигига қарамасдан, бугунги кунга қадар модуль, унинг тузилиш технологияси қабиларда олимларимизнинг фикр ва тушунчалари турлича.

Психолог олим К.Я. Вазина модулниң фалсафий талқинини беради ҳамда модулни оламни идрок қилишнинг тизимли воситаси сифатида изоҳлайди. Олиманиң фикрича, модуль – бу ўзини ўзи ривожлантириш миқдори ёки методи. “Олам чексиз ўзаро ҳаракатдаги тизим, демак, инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳам чексиз. Реал борлиқ ривожланиш моҳиятини тизим сифатида тушунгандагина, унинг вариант кўринишларини англаш ва шу тариқа тўғри ва фаол унга таъсир ҳам қилиш мумкин бўлади. Бундай ҳолатларда модулли ўқитиш муаммоси – жамоавий ва индивидуал тафаккурни ситуатив ташкиллаштириш муаммоси, унда ҳаракатнинг меъёрий усуллари шаклланади (қонунлар асосида)”.<sup>4</sup> Ҳар бир таълим олувчи ўзининг ички мақсадлари (қадриятли йўналиши)дан келиб чиқиб, мазмуннинг турли аспектларини ўзлаштиради. Англашнинг индивидуал тармоқлари сабабли жамоавий фикрлашда мазмунни тизимли, ҳар томонлама ўзлаштиришга шарт-шароит яратилади. Демак, “модуль инсонлар орасидаги ахборот алмашинувини ташкиллаштирувчи ва амалга оширувчи инвариант метод”.<sup>5</sup>

Бир томондан, модулли таълимнинг педагогик технологияларга дахлдорлиги унинг қайта тикланиши, алгоритмик хусусияти, натижавийлик, бошқарувчанлик, иқтисод қилиш имконияти, коррекциялаш хусусиятларининг мажудлигида кўринади.

---

<sup>3</sup>The Modular approach in technical education. - Paris, Unesco, 1989, -S. 16.

<sup>4</sup>Вазина К.Я. Саморазвитие человека и модульное обучение. - Н. Новгород, 1991, с.50.

<sup>5</sup>Вазина К.Я. Саморазвитие человека и модульное обучение. - Н. Новгород, 1991, с.36.

Бошқа томондан, модулли ўқитишнинг ноёблиги унинг комплекс, синтетик тавсифга эгаллиги ҳамда таълимнинг турли шакл, тур ва технологияларини ўзида мужассамлаганидир.

У дастурий, муаммоли, дифференциал таълимдан ўқув жараёнига индивидуал ёндашув ва таълим олувчининг мустақил ишига кўчирилишини (модуль технологияси замонавий педагогик технологияларнинг барча элементларини ўзида мужассам этган); ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назариясидан йўлланма олиш асосида ўқув фаолиятини ташкиллаштиришни; кибернетик ёндашув модулли таълимни ўқувчи фаолиятини эгилувчан бошқариш, ўзини ўзи бошқариш ғоялари билан бойитди; психологиядан рефлексив ёндашув ўзлаштирилган. Ўқитишнинг барча турлари модулли таълимнинг принцип ва қоидалари, таълим-тарбия жараёни шакл ва методлари интеграциясида намоён бўлади.

Модулли ўқитиш ўқитувчига дарснинг барча турлари – янги материални ўрганиш, билимни комплекс татбиқ қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, аралаш дарс, коррекциялаш дарсларидан фойдаланиш имконини беради.

Модулли ўқитиш мазмуни, технологияси, уни назорат қилиш, коррекциялаш ва бошқа тизимлари юқори даражадаги яхлитликка эга. Модулли ўқитишни муваффақиятли қўллаш, унинг асосий ва муҳим принципларини билиш ва уларга риоя қилишга боғлиқ.

Модулли таълим умумдидактик (таълимнинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи тавсифга эгаллиги, илмийлиги, тизимлиги ва кетма-кетлиги, таълим олувчи фаоллиги ва мустақиллиги, таълим индивидуаллиги ва дифференциаллиги, назария ва амалиётнинг узвийлиги принципи ва б.) принциплар билан бир қаторда ўзига хос принципга эга:

а) қулай таълим муҳитининг яратилганлиги (таълим шарт-шароитлари): фаолиятли-ролли (субъект-субъект) ёндашув; психологик-педагогик ва ташкилий ёндашув;

б) таълимни дидактик мақсадларга эришиши учун алоҳида функционал тугун-модулларга туркумлаштириш:

муаммолилик; вариативлик; адаптивлик; яхлитлик; бараварлик; қайта алоқа ўрнатиш принципининг мавжудлиги.

Юқорида қайд этилган модулли таълимнинг принциплари муҳим ва ўзаро боғлиқликда, шунинг учун уларни комплекс бажариш касбий таълимдаги модуль технологиясининг мувоффақиятини таъминлайди.

Ушбу технология **талабалар учун** – таълим суръатини интенсивлаштириш, уларнинг мустақиллигини, ўзини ўзи назорат ва ўзини ўзи баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради; **ўқитувчилар учун** таълим жараёнига ижодий ёндашиш ҳамда маслаҳатчилик функциясини ўзлаштириш каби қулайликлар яратади.

Модуль технологиясидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мутахассислик бўйича кафолатланган натижага эришиш имконини беради.

Бу муаммода, яъни таълим-тарбия олувчиларнинг мустақил ишлаш имконияти қамровининг кенглиги ҳамда ишчанлик мулоқотининг етарли эмаслиги муаммоси юзага келади, модулли ўқитишда фаол ўқитиш шакл ва методларидан ноанъанавий тарзда қўллаш орқали бу муаммо бартараф қилинади, улар ўз навбатида таълим олувчиларнинг англаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон ҳамда уларнинг қизиқиши ва мулоқот кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Модулли ўқитиш имкониятлари:

**Ўқув маскани даражасида** – мавжуд ўқитувчилар ва ўқув базасида кўп сонли таълим олувчиларни ўқитиш имкониятларининг мавжудлиги.

**Тармоқ даражасида** – катта маблағ сарфламасдан кўп сонли ходимларни касбий тайёрлаш имкониятининг мавжудлиги.

**Жамият даражасида** – жамиятнинг ҳар бир аъзосига узлуксиз таълим тизимида олий маълумот олиш ҳамда олий таълимдан кейинги таълимни давом эттириш имкониятларининг яратиб берилганлиги.

**Таълим олувчи даражасида** – кам маблағ ҳисобига ўзига мақбул шакл ва вақтда, ўзига мос тезликда таълим олиш имконининг мавжудлиги ҳамда ҳар бир курс учун алоҳида ўқув-методик ишланмалар, дарсликлар, дастурларнинг бўлиши шарт эмаслиги; ўқув-методик курс шаклининг тузатиб борилиш имконининг мавжудлиги, шунингдек, маслаҳат-тьюторлик фаолияти учун кўп вақт ажратилганлигини кўрсатиш мумкин.

Модуль таълимини ташкиллаштиришдаги қийинчиликлар, ютуқлар ва ўзига хосликлар тадқиқотимизнинг 2-иловасида келтирилган.

Демак, модулли ёндашув ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам анъанавий ўқув жараёнига қараганда қатор имконият ва ютуқларга эга.

Диссертациянинг “**Бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлаш модуль технологияларининг замонавий йўналиш ва мезонлари**” деб номланган иккинчи бобида бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича замонавий тадқиқотлар таснифи ҳамда бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда модуль таълимнинг роли очиб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг диагностик аппарати ҳамда таъкидловчи тажриба натижалари асосланган.

Педагогика ОТМ педагоглари, УТМ ўқитувчилари, олимларнинг замонавий илмий, методик тадқиқот ишлари таҳлили ҳозирги замонавий биология таълимининг асосий ғоя ва йўналишларини умумлаштириш имконини берди, ўқувчи ва талабаларнинг биологик тафаккурини, танқидий идрок малакаларини шакллантириш, ахборотларни тушуниб етишлари ва ундан кейинги фаолиятида фойдаланиш ва муҳим қарорлар қабул қилиш, ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида англаш фаолиятини фаоллаштириш, биология бўйича муҳим манбаларни тўплаш, ўқитувчи

томонидан муҳим касбга йўналтирувчи манбаларни танлаш, шахсга йўналтирилган технологияларни қўллаш, ўқитиш модулларини касбий компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтириш орқали иш берувчи талабларига мослаш.

Педагоглар модулли ўқитишга яқин бўлган янги технологик ёндашувларга мурожаат қиладилар, унинг алоҳида элементларидан фойдаланадилар, дарс тизимининг тақвимий-мавзуй режа блокларини тузадилар, уларнинг ҳар бири 3-6 та дарсни ҳамда таълим олувчилар мустақил ишлашлари ва умумлаштириш, шунингдек, таълим натижаларининг назоратини қамраб олади. Модулли таълимга яқинлаштирилган ривожлантирувчи педагогик технологиялар кенг тарқалмоқда, ўқувчининг ўқув фаолияти индивидуаллашмоқда, таълим олувчиларнинг интеллектуал-ижодий ривожланишига, уларнинг рефлексив назорати ва ўзини ўзи баҳолашига эътибор кучайтирилмоқда.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу йўналишлар ўқитувчи касбий тайёргарлиги, унинг касбий компетентлигини таъминлай олмаяпти.

Компетентлилик таълим олувчиларнинг ўрганган билимларини аниқ касбий фаолиятларида қўллай олиш даражаларини тавсифлайди. Компетенция таркибига мутахассис билиши лозим бўлган (квалификацион тавсиф) сифат компетентлиги киради. Педагогика ОТМда компетентли ёндашувда унинг амалий йўналишларига, анъанавий ўқитиш методикасида амалий ишлар сонини кўпайтиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Модуль дастурлари ўзида конкрет фанни ўрганишда шакллантирилиши лозим бўлган компетенциялар тизимини ифодалашлари керак. Ўқитувчи ва талабалар умумий (базали, таянч, умуммаданий) касбий компетенциялар тўғрисида аниқ тушунча ва тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Компетенцияга асосланган модулли ўқитиш аниқ натижага мўлжалланган бўлиб, у меҳнат бозори талабларига мувофиқ конкрет касбнинг меҳнат фаолиятини таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари, муносабат ва тажрибаларини комплекс ўзлаштиришига мўлжаллаб қурилади.

Модулли-компетентли ёндашув асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг тайёргарлик даражасини аниқлашда талабаларнинг профессионализм даражасини кўрсатувчи мезонлари сифатида комплекс тавсифдаги муҳим компетенцияларни қамраб олади. Шулар қаторига **қадриятли-моҳиятли, ўқув-англаш, техник, коммуникатив компетенциялар** киради.

Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциясининг шаклланганлик даражаси кўрсаткичларини: юқори (ижодий), ўрта (адаптив), қуйи (репродуктив) даражаларга бўлдиқ (қ.: 1-жадвал).

**Бўлажак биология ўқитувчисининг компетентлилик даражасини  
ўлчашнинг мезоний-диагностик аппарати**

Мезонлар (компетенциялар)	Даражалари		
	Қуйи (репродуктив)	Ўрта (адаптив)	Юқори (ижодий)
<b>қадриятли-моҳиятли</b>	Қадриятли мўлжалнинг ноаниқлиги, яхлит дунёқарашнинг мавжуд эмаслиги, қарорларнинг гоҳ-гоҳда қабул қилиниши	Қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга, масъулиятни ўз зиммасига ола биледи, мақсадга онгли ёндашади, индивидуал ўқиш траекторияси яхши ривожланмаган	Ўрганаётган фани ва ўз фаолиятига қадриятли мўлжали, муносабати мавжуд; вазиятлардан чиқиш қобилиятига эга, ўз позицияси мавжуд; масъулиятни ўз зиммасига олади; индивидуал ўқиш траекториясига эга
<b>ўқув-англаш</b>	Фаолиятнинг, мантиқнинг, методологиянинг паст даражасига эга; умумўқув ва режалаштириш кўникмасига эга; мақсадни белгилаш, таҳлил, рефлексия, ўзини баҳолаш кучсиз ривожланган; ўқув-англаш муаммоларини ечиш, функционал саводхонлиги кучсиз	Масалалар қўйиш, фаразларни олға суриши мумкин; инструкциялар билан ишлаш, приборларни танлаш кўникмасига эга; натижаларни кўрсатиш, хулосаларни шакллантириши мумкин; крмпьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда оғзаки ёки ёзма чиқишлар қилиши мумкин	Ўз фаолиятини режалаштириш, таҳлил қилиши, рефлексия, ўз-ўзининг ўқув-англаш фаолиятини баҳолаши; ўрганилаётган муаммо юзасидан саволлар бериши, сабабини тушунтириши мумкин; саволлар бериши, фаразлар олға суриши мумкин
<b>интегратив</b>	Назария билан амалиёт боғлиқлигини, касбнинг ижтимоий-маданий моҳияти боғлиқлигини кучсиз англайди	Амалий педагогик фаолиятдан хабардор, ўзининг бу ўриндаги фаолияти моҳиятини яхши англаган	Назария ва амалиёт яхлитлигини тушуниётган; касбий фаолиятнинг маданий, иқтисодий, ижтимоий томонларини яхши хис қилади
<b>техник</b>	Ўқув жараёнини бошқариш ва ташкиллаштиришнинг касбий кўникмаларига эга	Касбнинг тадқиқий ва стратегик функцияларини яхши билмайди	Касбнинг профессионал, тадқиқот, аналитик ва бошқарув кўникмаларини эгаллаган
<b>коммуникатив</b>	Гуруҳ ва жамоада ишлашнинг бошланғич кўникмаларига эга, лекин ижтимоий-ролли ўзаро ҳаракат, диологли муаммоли, мулоқотнинг бахс-муназара шакллари-дан хабардорлиги паст	Мулоқотнинг оғзаки ва ёзма усуллари-дан хабардор, лекин чет тилларини яхши билмайди	Мулоқотларнинг оғзаки ва ёзма усуллари-дан, гуруҳда ва жамоада мулоқот ўрнатиш кўникмаларига эга



Талабаларнинг бошланғич ҳамда таълим жараёнидаги уларнинг тайёргарлик даражалари сифат кўрсаткичлари таҳлили қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

бугунги кунда педагогика фани ва амалиётида бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда турлича бир-бирига қарама-қарши ёндашувларнинг мавжудлиги;

бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модулли ўқитиш технологияларидан фойдаланиш муаммоси кам ўрганилганлиги;

бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модулли ўқитиш тизими мақсадлари ишлаб чиқилмаганлиги;

мавжуд илмий тадқиқот ва методик ишланмаларда модулли таълимнинг умумий принциплари кўрсатилган, биология фанини ўқитишнинг хусусий жиҳатлари эса ишлаб чиқилмаганлиги;

модуль технологияси тузилмасини шакллантиришда қатор хатоликларга йўл қўйилмоққа, жумладан, дидактик мақсадларнинг шакллантиришдаги ноаниқликлар, компетенцияга мўлжал олинмаслиги ҳамда ўқув элементларини аниқлашда, технологияларни танлашда, топшириқ ва тестларни тузишда ва улардан фойдаланишда ва б.

Бўлажак биология ўқитувчиларининг кадриятли-моҳиятли, ўқув-англаш компетенцияларини ривожлантиришда кўпгина талаба фикрлаш қобилиятларининг ривожланмаганлиги, таққослаш, таҳлил қилиш кўникма ва малакаларининг шакллантирилмаганлиги, биологик масалалар ечимини билмасликлари, иқтисодий муҳитни тушунмасликлари, башоратлаш кўникмаларининг мавжуд эмаслиги ва б. Шунингдек, биологияга оид материалларни тизимлаштириш, туркумлаштиришдан, илмий тушунчалар, ҳодиса, қонун ва қонуниятларни аниқлаш ва уларни қиёслашдан беҳабарликлари, конкрет предметлар бўйича умумий ҳукм ва хулосалар чиқаришни билмасликларини кўратди.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар бўлажак биология ўқитувчиларига меҳнат бозорида рақобатбардош бўла олмасликларига ҳамда фаол илмий муаммо устида ишлаш имконини бермайди. Бу муаммоларнинг ечимида бизга модулли ўқитиш технологиялари жуда қўл келади.

Диссертациянинг **“Бўлажак биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модуль технологияларини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида модуль дастурини лойиҳалаш босқичлари, модуль технологияларининг амалиётга жорий қилиш йўналишлари ҳамда тадқиқот натижалари келтирилди.

Модулли таълимнинг назарий жиҳатларини амалиётга кўчириш вазифаларини ушбу лойиҳалаш дастури педагогик технологиясини яратиш орқали бажарилди ҳамда педагогика ОТМ профессор-ўқитувчилари педагогик фаолиятида апробациядан ўтказилди.

Лойиҳалаш дастури модуль дастурлари ва алоҳида модулларга қўйиладиган талаблар доирасида ишлаб чиқилди. Улар модуль номида,

